Маълумоти омори нишон медихад, ки шикоятхои мухочирони мехнати оиди пардохт нагардидани музди мехнаташон, ба намояндагии Хадамоти мухочирати Точикистон дар Россия ру ба афзоиш аст.

Мутааасифона дар аксари ин холатхо, аз назари хукуки хеч далеле аз хамкории онхо ба назар намерасад, маълум мегардад ки миени мухочир ва кордиханда шартномаи хамкори вучуд надорад. Дар чунин маврид баргардонидани музди музди мехнати мухочир бе далелхои хукуки гайриимкон аст. Бинобар ин Намояндагии Хадамоти мухочирати назди Хукумати Чумхурии Точикистон дар Федератсияи Россия бо мурочиат ба хамватанони мухочир иброз медорад, аз ин пас хангоми огози харгуна хамкори бо кордихандахо, хатман ба онхо шартномаи мехнати ба имзо расонанд. Лоакал дар шартнома шароити кори ва музди мехнат дарч гардад.

Масъалан: саннаи 25 октябри соли равон шахрванди Чумхурии Точикистон Файзуллоев Абдулмомин Нарзуллоевич (соли тавваллудаш 15.11.1980) ба намояндагии хадамот мурочиат намуд. Номбурда тулии 8-мох инчониб музди мехнати хешро аз ЧДММ «Петербургская Строительная Компания «МИР»» ба маблаги 720 хазор гирифта наметавонад. Хушбахтона миени шахрванди Чумхурии Точикистон Файзуллоев А.Н. ва кордиханда шартномаи мехнати ба имзо расонида шуда буд. Дар ин асос мо ба Суди нохиявии Москва дар шахри Санкт-Петербург мурочиат намуда, интизори хулосаи мусби мебошем.

Бозраси калони Хадамоти мухочирати назди Хукумати Чумхурии Точикистон дар Федератсияи Россия, маъмури давлати дар минтакаи Федералии шимоли гарби А.А. Розикзода

Санкт–Петербургская Региональная общественная организация соотечественников Узбекистана «УМИД» оказывает юридическую консультацию!

Уважаемые соотечественники!

При оформлении разрешение на работу у фирм посредников, Вы подвергаетесь большому риску! Убедительно рекомендуем, прежде чем отдать кому-либо свои документы и деньги проконсультируйтесь с нашими юристами.

Мы поможем Вам:

- **без риска оформить документы для получения разрешения на работу и регистрацию;**
- **подобрать нужную работу по трудовому контракту с работодателями;**
- **выполнить перевод всех видов документов с нотариальным заверением;**
- **оказать правовую защиту и юридическую помощь;**

***направление граждан в Посольство РУ для восстановления и получения документов.**

199048, Санкт –Петербург, В.О., пер. Декабристов, дом 6.
Тел.факс: +7 (952) 211 – 69 – 87
+7 (953) 356 -26- 63
E-mail: umidspb@mail.ru
Сайт: www.vatan.spb.ru

Культурные события

Гала-концерт фестиваля «Культурной столице – культуру мира»

Мы уже несколько раз писали о фестивале «Культурной столице – культуру мира», который проходил в Санкт-Петербурге. И вот 6 декабря в 16.00 в театре «Лицедеи» состоялся гала-концерт, посвященный торжественному закрытию фестиваля-конкурса. Зрителей ожидали выступления профессиональных артистов и певцов, а также лучшие номера из конкурсной программы фестиваля.

Концерт открыл почетный гость фестиваля председатель Комитета по внешним связям Санкт-Петербурга Александр Владимирович Прохоренко.

В программе концерта были выступления электроскрипача Александра Якушева, участников танцевального проекта «Фабрика-шоу» (чемпионы России по брейк-дансу и рекордсмены мира по вращению на голове), а также различных национально-культурных коллективов. Главным же подарком для участников и зрителей стало появление на сцене композитора и заслуженного деятеля искусств Олега Кваши.

Поздравления приняли команды Василеостровского, Колпинского и Центрального районов, занявшие первое, второе и третье места на фестивале. Награды получали и команды, лучше всех заявившие о себе в одном из конкурсов, но не набравшие большее количество баллов по итогам всей игры (за конкурсы «В фокусе» – Калининский район, «История государства Российского» – Петроградский район, «Петербургский диалог культур» – Московский район). Кроме того, призы зрительских симпатий ушли командам, набравшим в поддержку больше всех голосов болельщиков во время проведения каждого из межрайонных туров. Свое мнение о том, какая команда заслуживает победы больше остальных, зрители писали на специальных карточках. Счетная комиссия подвела итоги и определила победителей: ими стали Адмиралтейский, Невский и Пушкинский районы. Также специальный приз жюри вручен команде Петродворцового района.

Конкурсная программа содержала три испытания: «В фокусе», «История государства Российского» и «Петербургский диалог культур». Первое испытание представляло собой конкурс журналистских репортажей. Работая в рамках заданной жанровой формы, ребята должны были высказать свою позицию по вопросам межнациональных отношений в нашем городе и проиллюстрировать бренд современного многонационального и многоконфессионального Петербурга. Второй конкурс, проходивший в формате игр «Брейн-ринг» (в межрайонном туре) и «Что? Где? Когда?» (в городском финале), выявлял, в каком из районов школьники лучше знают историю родной страны и, в частности, этапов становления российской государственности, ведь темой конкурса этого года было её 1150-летие. Наконец, последний по порядку, но не последний по значимости конкурс предлагал ребятам посостязаться в театральном искусстве. Школьники свободно выражали себя в любых жанрах. Главное условие конкурса – сценки должны были раскрывать тему мирного сосуществования людей в условиях современного мультикультурного мегаполиса.

Каждая из команд-лауреатов (кроме победителей в номинациях «В фокусе» и «История государства Российского») выступила со своим театральным номером.

Фестиваль «Культурной столице – культуру мира» прошел в Петербурге уже в пятый раз. Целью фестиваля является привлечение внимания молодежи к вопросам толерантности, добрососедства и конструктивного взаимодействия представителей различных национальностей в современном Петербурге, городе, где проживают люди самого разнообразного происхождения и мироощущения, различных убеждений и вероисповеданий, но которых, тем не менее, объединяет гордое звание петербуржца. В фестивале приняли участие десятки тысяч учеников 9-11 классов государственных образовательных учреждений со всех 18 районов города. По итогам самого массового первого отборочного тура каждый район предоставил команду из 8 человек для участия в межрайонном туре. Организаторами фестиваля выступили Комитет по внешним связям Санкт-Петербурга, Администрации районов Санкт-Петербурга и СПб ГКУ «Санкт-Петербургский Дом Национальностей».

Анна Демидова



Фальшивые билеты на самолет

Почему не стоит покупать дешевые электронные авиабилеты

Многим уже известно, что на территории города Санкт-Петербурга и Ленинградской области очень часто наблюдается продажа фальшивых электронных авиабилетов. День за днем жертв таких мошенников прибавляется, большинство из них – трудовые мигранты из Средней Азии. Самое обидное – то, что среди таких продавцов-мошенников фальшивых электронных авиабилетов можно увидеть наших же с вами соотечественников.

6 декабря 2012 года в Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии пришло более 10 граждан Таджикистана и Узбекистана, которые пострадали от мошенников. Выяснилось, что осенью они покупали билеты на самолет в авиакассе недалеко от станции метро «Площадь Восстания». Билеты стоили от 12 до 14 тысяч рублей.

Шерали Аликулов, Отабек Абдумуратов и Искандер Курбонов должны были улететь домой 6 декабря. По крайней мере, такая дата стояла на билетах. Однако когда ребята приехали в аэропорт, им сказали, что билеты аннулированы. То есть, воспользоваться ими нельзя. И к полету их не пустили. Ребята сначала подумали, что это какая-то ошибка, начали выяснять ситуацию. Они поехали в авиакассу, в которой покупали билеты в ноябре. Но когда они подошли к офису, там все было закрыто. Продавцы исчезли.

Аликулов, Абдумуратов, Курбонов и еще несколько таких же пострадавших поняли, что их обманули. Они заплатили мошенникам деньги за билеты, а в итоге остались ни с чем. Ребята показали мне эти «билеты», я понял, что это фальшивые бумажки, которые ничего не стоят. Там указаны дата и время отправления, время прибытия, города, аэропорты и все необходимые данные. Но такую же информацию может набрать на компьютере любой человек, и затем распечатать. Получается, что мошенники распечатывают на принтере обычные бумажки и продают их по цене билетов на



Так могут выглядеть поддельные билеты

500 рублей дешевле, чем в авиакомпаниях.

Посетители Фонда рассказали, что таких обманутых очень много. В основном жертвами стали мигранты, которые просто хотели улететь домой, заработав деньги. Самое обидное, что продавали фальшивые билеты их же соотечественники. Поэтому у ребят и не возникало сомнений, что это обман.

Посетители Фонда мигрантов написали заявление, рассказали подробно, как и где они покупали билеты, описали мошенников. Я передал всю информацию в правоохранительные органы, и сейчас идет следствие. А Курбонов, Аликулов, Абдумуратов и их собратья по несчастью вынуждены пока остаться в Санкт-Петербурге и ждать, когда найдут преступников. Ведь только если докажут вину «продавцов билетов», с них можно будет потребовать деньги. Будем надеяться, что мошенников найдут и накажут. А сегодня я хочу дать вам несколько советов о том, какими должны быть авиабилеты и где их лучше покупать. Важно научиться отличать подлинные документы от поддельных.

Однако при всём этом громкие случаи мошенничества с авиабилетами можно пересчитать по пальцам одной руки. Наверное, поэтому тот самый статистический 1% безвозвратных потерь минимальным остаётся лишь на бумаге. К тому же, по словам специалистов, в полицию обращается лишь каждый двенадцатый потерпевший. Ведь порой, находясь за несколько тысяч километров от дома, сил на длительные разбирательства нет физически. Как говорится, на безнаказанность и расчёт.

Вот пара классических способов обмана. Первый связан с Интернетом, где существует много объявлений: «Билеты дёшево», «Авиабилеты по доступным ценам» и так далее. Как правило, за такими рекламными слоганами стоят фирмы-однодневки, которые создаются лишь для того, чтобы собрать как можно больше заказов за как можно меньшее количество времени. Мошенники бронируют на сайте авиакомпании билеты на нужную вам дату, вводят туда ваше имя и распечатывают документ. Вы платите деньги, вам взамен дают «распечатанный билет». А затем мошенники аннулируют бронь на сайте авиакомпании. Билет аннулируется. Естественно, вас об этом не предупреждают, и вы узнаете, что на ваше имя уже нет билета, только когда приезжаете в аэропорт. Таким образом, лже-авиакасса спокойно забирает себе деньги несостоявшегося пассажира и... скрывается. Как и сделали мошенники, о которых мы рассказали выше.

Мигранты, которые пострадали от действий авиамошенников

Основная причина еще одного вида мошенничества – чрезмерная доверчивость покупателей. В этой схеме всё предельно просто. Лже-авиабилет (естественно, дешёвый) злоумышленник сначала создаёт на своём домашнем компьютере, затем распечатывает его на принтере и... со спокойной совестью вручает его ничего не подозревающему пассажиру. При этом, не забывая взять с него деньги. Единственная правдивая информация на таком вот дешёвом авиабилете – личные данные пассажира.

Проблема в том, что лже-авиабилет сложно самому отличить от подлинника. И поэтому, если у вас уже есть электронный авиабилет, я советую вам проверить его подлинность в ближайшем представительстве авиакомпании, на рейс которой этот билет приобретён. Также вы можете прийти в офис национальной авиакомпании Узбекистана «Узбекистон хаво йуллари». Офис в Санкт-Петербурге расположен по адресу: улица Большая Конюшенная, дом 27. Телефон: (812) 312-75-36.

Не приобретайте авиабилеты у перекупщиков, посредников, которые раздают рекламные листовки у метро. Многие рекламные листовки даже написаны на узбекском или на таджикском языке. Не верьте даже своим соотечественникам, которые выступают в качестве посредников. Покупайте билеты напрямую у владельца авиарейса, то есть – непосредственно на сайте или в официальном представительстве той авиакомпании, с которой вы и планируете совершить полет. Ведь никто, кроме этой самой авиакомпании, не сможет продать вам авиабилет по самой дешевой цене. Не гоняйтесь за сумасшедшенизкими ценами! Ведь о том, что скупой платит дважды, известно уже всем и достаточно давно.

Будьте внимательны и осторожны, дорогие читатели! И всегда требуйте чек за купленный авиабилет.

Как говорится – дешёвый сыр бывает только в мышеловке! Помня об этом смело можно сказать, что дешёвых авиабилетов не бывает. Авиабилеты могут быть со скидкой (DISCOUNT), по распродажной цене (SALE) или по спецтарифу (WEB), но всё это может лишь снизить стоимость авиабилета до возможного для авиакомпании уровня. И, поверьте – этот уровень дешёвым быть не может.

Ильер Таштемиров,
юрист Фонда помощи трудовым мигрантам из Средней Азии

Фото из архива Фонда

ПРИОРИТЕТНЫЙ ПРОЕКТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГА
ДОСТОЙНОЕ ПРОЖИВАНИЕ ДОСТОЙНОМУ ТРУДУ!
120 руб./сутки
тел. : 8-931-351-13-86

Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии
Возникли трудности при адаптации в Санкт-Петербурге?
В Фонде работают профессиональные юристы из Средней Азии.
Вас поймут, даже если вы не говорите на русском языке!
Приходите! И мы окажем вам содействие в:
• оформлении всех необходимых документов для официального проживания в России
• легальном трудоустройстве
• получении медицинской помощи
• решении юридических проблем
• поиске жилья и достойной работы
Также к вашим услугам:
• занятия по русскому языку
• помощь в получении кредита
• благотворительные акции
• культурные мероприятия
• образовательные семинары
Земляки научат вас жить в Петербурге с пользой и по закону
Мы действуем согласно закону в ваших интересах!
Телефон: (812) 309 73 06
Время работы: 10.00 - 18.00 (ПН-ПТ)

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран», первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Игорь Белоусов
Главный редактор: Махмут Маматмуминов
Выпускающий редактор: Дина Шакенова
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин
Дизайнер-верстальщик: Виктор Смирнов
Переводчик с русского на узбекский: Ильёр Таштемиров
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр.Обуховской обороны, 120, литер 3, офис 419, Издательский дом «Сорока»
Ст. м. «Пролетарская»
Телефон: (812) 309-46-06, E-mail: info@turangazeta.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Время подписания в печать: по графику – 13.12.2012, фактическое – 13.12.2012
Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 989
Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840.
Газета распространяется бесплатно.

«Турон», Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: Белоусов И.Н.
Бош муҳаррир: Махмут Маматмўминов
Чоп этувчи муҳаррир: Дина Шакенова
Дизайнер-ҳарф терувчи: Виктор Смирнов
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Элёр Тоштемиров
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, 192012, пр. Обуховской обороны, 120, литер 3, офис 419, Издательский дом «Сорока»,
«Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, E-mail: info@turangazeta.ru
Газета тиражи: 15 000 нусхада.
ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографиясида босилди. 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 989. Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840. Газета бепул тарқатилади.
Время подписания в печать: по графику – 13.12.2012, фактическое – 13.12.2012

ЎРТА ОСИЁЛИКЛАР УЧУН БИРИНЧИ АМАЛИЙ ГАЗЕТА

Турон

№ 48 (78)
13 – 20 декабрь 2012 йил

Бобур бобонг мусофирликда қурди салтанат,
Навоий адибинг мусофирликда қилди ижод,
Жалолиддин мусофирликда қилди ватаним деб жиҳод,
Сен Турон ўғлони ўзлигингни сақлагил фақат.

Қалб ўртар мусиқа

Иккинчи сарлавҳа: Барчамиз бир хилмиз – чегарани одам ўйлаб топган

7 декабрь куни Санкт-Петербургдаги Ёшлар Саройида иккита тантанали тадбир – «Ксенофобияга қарши кураш» фестивали иштирокчиларини тақдирлаш ва «Миллат ранги» кўргазмасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Газетамиз «Турон» маълумот ҳамкори сифатида иштирок этди, шунинг учун қуйида хисоботни таклиф этамиз.

Московский районидаги Ёшлар саройига ташриф буюрганлар аввалам бор ҳар хил давлатларнинг санъат усталари томонидан ягона бағрикенглик мавзуси бирлаштирган «Миллат ранги» деб номланган кўргазма билан танишади. Иштирокчилар ёши – бошланғич синфдан талабаларгача. Асарлар орасида нақшинкор русча асбоб-ускуна ҳамда шарқона нақш ёки «чегарасиз сиёсатчилар» каби тубмаъноли меҳнат маҳсуллари ҳам бор. А.С.Пушкиннинг акси туширилган асар қизиқарли туюлди, чунки унда ранг бўёқ ўрнида кофе уруғидан фойдаланилган.

Энг қизиғи, менимча ҳамма менинг фикримга қўшилади, бир оздан кейин концерт залида, «Ксенофобияга қарши мусиқа» фестивали иштирокчиларини тантанали тақдирлаш маросимида бошланди. Беллашув осон бўлгани йўқ: зўрларнинг зўрлари беллашди. Ҳакамлар орасида Италиялик скрипкачи Фабио Перолло, ҳамюрти – актёр Антонио Виллани, 2011 йил Петербург Театр Академиясининг драматика курсини тамомлаган актёр Антонио Виллани ҳам бор эди. Ундан ташқари Марина Кароль («Королевские игры» баллнинг ташкилотчи студияси), Юрий Макеев («Попсоника» мусиқа студияси) ва бошқа маданият арбоблари ҳам бор эди.

Саҳнага биринчи бўлиб Елена Руденко бошчилигидаги «Смайл» рақс ансамбли ва Петербургнинг Московский райони номидан ёш қўшиқчи Борис Власовлар чиқишди. «Смайл» ҳаммани кўнглини кўтарди – ёрқин испанча рақс ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Борис залдагиларни ўзининг кучли овози билан қойил қолдирди ва Мариинский театри вакилидан ажойиб совға – машҳур театрнинг саҳна ортига экскурсия ва профессионал мусиқачилар билан мастер-классга таклифномани қўлга киритди. Лауреатларга мукофотларни Константиновский саройи гренадерлари шахдам қадамлар ташлаб олиб чиқишди.

Ундан кейин Фрунзенский районининг «Романтика» ансамбли ўз рақс ва қўшиғи билан ҳамда Светлана Антонова бошчилигидаги «Здравушка» рус халқ қўшиқлари жамоаси саҳнага чиқди. Романтик қизлар ўрмон нимфалари

сингари енгил ва пластик ҳаракатлар билан русча қўшиққа рақс тушишди. «Здравушка» иштирокчилари «Попсоника» студиясида вокал билан шуғулланишлари учун сертификатлар билан тақдирландилар.

Фестивальнинг фахрий ёрлиғи Адмиралтейский райондан «Force» замонавий рақс студияси ва И.И.Мечникова номидаги Шимоли-Ғарбий давлат медицина университетининг Ҳиндистонлик талабаларидан иборат мусиқий дуэт – Анджули Джейкуп ва Рахуль Харига насиб этди. Уларнинг самимийлик тафти урган ҳиндча мусиқаси тингловчиларга жуда ҳам ёқди. Шундай ҳиндча муҳитда «Чакри» рақс студияси қизлари ҳам чиқиш қилишди.

Ҳинд маданиятидан кейин зал эҳтиросли циганча рақс ва қўшиқлар билан тўлди. Екатерина Марцинкевич ўзининг кучли ва жозибадор овози билан барчани лол қолдирди. Рақсга тушган циган қизлари ўзларининг гулдор кўйлаклари билан кечанинг ёрқин безакларидан бўлишди. Чиройли, қадди-қомати келишган ва абжир қизлар саҳнада шундай ҳаракатландиларки, худди кўз олдингизда ранг-баранг қанотли капалаклар парвоз этаётганга ўҳшайди.

Ёш истеъдотли Екатерина Шлема кўзи ожиз бўлишига қарамай кучли ва чиройли овози билан саҳнага чиққанида мухлислар олқишлар билан жавоб беришди.

Ўзбек маданиятини «Сольная хореография» номинацияси лауреати, муштарийларимизга яхши таниш бўлган Елизавета Юхнева намойиш этди. У ҳар доим назокат ва мафтункорлик ила юзида жилмайиш билан рақс тушди.

Фестивалнинг бош соврини – «Каталон баҳори»(«Каталонская весна») халқаро мусиқа фестивалига йўлланмани Екатерина Кукушкина қўлга киритди..

Тадбир қизиқарли ўтди, афтидан ҳамма мамнун бўлди: кимдир мукофот ва шараф олди, бошқалар эса ёрқин чиқишлардан баҳраманд бўлди. Жозибадор гала-концерт иштирокчилари ўз қўшиқ ва рақсларида турли хил халқ ва маданиятлар ўзига хослигини намойиш этди, залда ўтирганларни жўшқинлантирди ва яхши кайфият бағишлади, ҳамда гуррос қарсаклар билан олқишландилар. Болаларнинг барчасига омадлар тилаб қоламиз.

Матн ва сурат: Дина Шакеновадан

Расмий баёнот

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси

2012 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги арафасида амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини қайд этдилар.

Олий Мажлис Сенатининг Қарорида жазога ҳукм қилинган аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шунинг билан бир қаторда Сенат Қарорида яна бир неча тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши таъсир этмайдиган шахслар доираси белгиланган.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, нуфус омилларини ҳамда иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иш билан бандликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқдилар, ҳамда маъқулладилар. Дастур мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини, меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Дастурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ишга жойлаштириш, уларни касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган.

Дастурда 2013 йилда 972,7 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик меҳнатини кучайтириш ҳисобига ташкил этилади. Касаначилик соҳасида иш ўринларининг катта қисми миллий ҳунармандчиликнинг анъанавий марказлари – Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро вилоятларида ташкил этилади. Дастурда олисда жойлашган, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегарага яқин 28 та ҳудудда иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу ҳудудларда камида 126 мингта ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Дастурнинг яна бир устувор жиҳати фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган тоифаларини ишга жойлаштиришдан иборат. Ногиронлар ҳамда меҳнат бозорида қийинчиликка дуч келаётган бошқа шахслар учун камида 100 мингта иш ўрнини захиралаш (квоталаш) белгиланган.

Сенаторларнинг фикрича, кўриб чиқилаётган Дастур фуқароларнинг ишбилармонлик фаоллигини бундан буён ҳам рағбатлантиришни, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка, қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлашга, иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва кенгайтиришни ҳамда бошқаларни назарда тутади.

Шундан сўнг сенаторлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида тайёрланган бир қатор қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шу жумладан, рухсат бериш тизимининг ягона норматив-ҳуқуқий базасини яратиш, ваколатли давлат органларида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш шартлари ва тартибини бирхиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқарув ҳаракатларининг батамом очиқ-ойдинлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Хусусан, ушбу Қонуннинг асосий янгиликларидан бири рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларнинг «бир дарча» орқали берилиши принципини жорий этишдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу принципга мувофиқ ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади, бунда ваколатли орган ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади.

Шундан кейин сенаторлар янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунни кўриб чиқдилар. Ушбу ҳужжат қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш, халқаро ва миллий қонун ижодкорлиги амалиётини ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг янада самарали механизмларини яратиш ҳамда сифатини ошириш мақсадида тайёрланган. Қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Қонун олдинги таҳрирдаги Қонундан ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам анча фарқ қилади. Қонун янги моддаларни ўз ичига олибгина қолмасдан, шу билан бирга ҳозирги куннинг реал воқеликларини ҳисобга олган ҳолда унинг кўплаб амалдаги қоидалари мазмунига жиддий тузатишлар киритади.

Сенаторлар хусусий мулкчиликка асосланган хусусий банк ва молия институтларини ташкил қилишнинг қонунчилик асосларини шакллантиришга, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатни кенгайтиришга ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, замонавий бозор инфратузилмаси ривожланиши учун шароитлар яратишга қаратилган «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Сўнгра сенаторлар «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, Қонуннинг асосий мақсади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор-қидирув фаолиятининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини, шунингдек, тезкор-қидирув хусусиятига эга бўлган тадбирларни амалга ошириш вақтида қонунийликка риоя этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишининг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишдан иборат. Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонун тезкор-қидирув фаолиятини тартибга соладиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган амалдаги нормаларни мунтазам ҳолга келтириш, суриштирув ва дастлабки тергов сифатини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга ўз вақтида чек қўйиш чораларининг самарадорлигини ошириш имконини беради, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини либераллаштиришга ёрдам беради.

«Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар киритилаётган нормалар сайлов кампаниясини ўтказиш вақтида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлаш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари ушбу Қонуннинг рўёбга чиқарилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўла амалга оширишга, мамлакат сайлов тизимини янада демократлаштиришга, шунингдек, сайловни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида ошкоралик ва очиқ-ойдинлик принциплари мустаҳкамланишига ёрдам беради, деган фикрни билдирдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги Элчихонаси Матбуот хизмати

Мухожир болалар учун рус тили машғулотлари

Петербургни бир неча фаол ёшлари шаҳарда кўнгилли лойиҳани йўлга қўйдилар. Ўқитувчилар Ўрта Осиё давлатларидан ташриф буюрган, мактаб ёшигача бўлган мухожир болалар билан рус тили ва рус маданияти бўйича машғулотлар олиб бормоқдалар. Машғулотлар бепул. Ота-оналар ҳам машғулотларда иштирок этишлари мумкин.

«Бизлар шуни ҳоҳлардикки, Петербургда барча миллат болалари қувноқ ва бахтли ҳаёт кечиришсин, – дейди лойиҳа координатори Даниил Любаров. –Улар ҳеч бир қийинчиликсиз дўст орттирсинлар, мактабларда қулай таълим олсинлар. Ота-оналари эса уларнинг муваффақиятларидан ғурурлансинлар, уларнинг хавфсизликларидан хавотир олмасинлар. Бунинг учун бизнинг муаллимлар болаларга рус тилини ўрганишларига, ҳар бир жажжи Петербурглик болакай билиши керак бўлган билимларни бермоқдалар».

Хушхабарлар:машғулотлар эндиликда, нафақат «Гостиный Двор» метро бекати яқинида, балки, «Балтийская» метро бекати яқинида ҳам олиб борилмоқда.

Машғулотларга мактаб ёшигача бўлган, рус тили ўз она тилиси бўлмаган болажонлар таклиф этилади. Барча саволлар ва таклифлар бўйича лойиҳа ташкилотчиларини қуйидаги расмий гуруҳига *vk.com/knowyourlanguage* ёки қуйидаги телефон рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин: 8-921-093-88-19 (Даниил).

ФГУП «Паспорт-виза хизмати»

Санкт-Петербургда қандай қилиб иш топса бўлади

Санкт-Петербургда ва Ленинград вилоятларида адолатли иш берувчилардан иш топишни ҳоҳлаган чет эл фуқаролари қуйидаги манзилда жойлашган ФГУП "Паспорт-виза хизмати" га мурожаат этишлари мумкин: Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

Россия Федерал Миграцион хизматининг давлат муассасаси ходимлари сизларга "Меҳнат Биржаси" да рўйхатдан ўтишингизга, арзон нархларда турар жой топишга, миграцион ҳисобга туришингизга, ишга рухсатнома олишингизга ёрдам беради.

Агарда чет эл фуқароларидан саволлар ва муаммолар

«Меҳнат Биржаси» ни хизматларидан қандай фойдаланса бўлади

Чет эл фуқаролари "Меҳнат Биржаси" нинг маълумотлар базасида қайд этилади ва 1 йил мобайнида хизмат кўрсатилиши тўғрисида шартномани имзолайди. Шартнома тузилаётганда чет эл фуқаросига Санкт-Петербург ва

қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Санкт-Петербург шаҳри,
Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.
318-01-18
www.7771000.ru

Спорт хабарлари

Осиё спорти

Осиё ўйинлари федерацияси (ОЎФ) бундан 50 йилдан аввалроқ, яъни 1949-йилнинг февралида ташкил топган. Бу санани Осиёда спортнинг шаклланиш санаси дейиш мумкин. Бугунги кунда ОЎФга Афғонистон, Бирма, Исроил, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Камбоджа, Қувайт, Малайзия, Непал, Покистон, Сингапур, Сянган, Тайланд, Тайвань оролари, Филиппин, Шри-Ланка, Жанубий Корея, Вьетнам, Япония, Лаос каби 21 та давлат аъзодир.

Ҳудуддаги сиёсий аҳволнинг ўзгариши, янги мустақил давлатларнинг ташкил топиши, колониал тизимларнинг қулаши – буларнинг барчаси Осиё ҳудудида спортга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Осиёнинг бир қанча давлатларида спорт ўқув юртлари очилди, мактабларда жисмоний тарбия мажбурий фан сифатида қабул қилинди. Қишлоқ аёлларини спортга фаол жалб қилиш бошланди, баъзи бир давлатларда спартакиадалар ўтказилмоқда.

ОЎФ ташкил топганидан буён Ўрта Осиёда спортнинг ривожланиши анча сезиларли даражада кўзга ташланди. Спорт ўйинлари Осиё ёшларида жисмоний ва ахлоқий фазилатларни ҳаваскор спортчи даражасида тарбиялаш, ҳамда осиёлик спортчиларнинг натижаларини юксалтириш учун ёрдам беради. Осиё ўйинлари рўйхатида енгил атлетика ва сузишдан ташқари бадминтон, баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, волейбол, гимнастика, эшкак сузиш, дзюдо, теннис, футбол ва бошқа турлар ҳам фаол ривожланмоқда. Ўйинларни ўтказиш дастурининг тез-тез ўзгариши осиёлик спортчиларнинг янги спорт турларини ўзлаштиришига ва албатта-ки бу ҳолат уларнинг тайёргарлигига салбий таъсир кўрсатади ва уларни бошқа давлатлардаги ҳамкасблари билан беллашаолмайдиган даражага олиб келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, спортнинг анъанавий турлари бўлган бадминтон ва чим устида хоккейдан яхши натижаларга эришмоқда. Ундан ташқари Осиё спортчилари гимнастика, кураш, оғир атлетика, стол тенниси, волейбол, баскетбол, ўқ отиш, енгил атлетика, сузиш ва футболдан сезиларли натижаларга эришмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, масалан сўнгги вақтларда японлар фигурали учиш, тоғ-чанғи спорти ва шайбали хоккейни ҳам яхши ўзлаштирмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 60 дан ортиқ спорт федерациялари фаолият юритаётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Албатта, уларнинг асосий вазифаси – юртимизда спортни ривожлантириш ва мувофиқлаштиришдир. Йилдан-йилга спортчиларимизнинг сафи кенгайиб бормоқда ва юқори ўринларни эгаллаб, жаҳон саҳнасидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Атлетларимизнинг муваффақиятлари жаҳон саҳнасида ёш давлатимизнинг нуфузини мустаҳкамламоқда.

Қирғизистонда юнон-рим кураши, эркин кураш, дзюдо, баскетбол фаол равишда ривожланмоқда, яна шуниси эътиборга моликки, спортнинг бу турларида иштирок этаётган спортчилар ҳақиқатдан ҳам сезиларли натижаларга эришмоқда, баъзилари ҳатто Осиё ва жаҳон чемпионлигига сазовор бўлмоқда.

Шунга қарамай, осиёлик спортчиларнинг кўпчилиги молиявий аҳвол, спорт иншоотларининг етишмаслиги ва албаттаки, юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги каби муаммоларга дуч келмоқда. Ундан ташқари машғулотларнинг кўпчилиги пуллик бўлгани учун осиёлик баъзи бир миллат вакиллари спорт билан шуғулланишга имкон топаолмайди. Лекин, шунга қарамай қишки спорт турларида эришилаётган натижалар, кўпчилик давлатларнинг халқаро мусобақаларни керакли даражада ўткизишини ҳисобга олган ҳолда Осиё спортининг келажаги порлоқдир дейиш мумкиндир.

Узбекская гимнастка Ульяна Трофимова завоевывает мировой пьедестал
Фото с сайта http://tema.in.ua

Светлана Смирнова

Муштарий мактуби

Ўзингники ўзагингни узади
(реал ҳаётдаги реал воқеалар)

Бойлигинг шодлигинг кетадир
Ўзлигинг унутма ўзбегим!

Инсон яралибдики, ҳасад, дўст-душман, амал яъни лавозим деган иборалар бизга ёд бўлиб кетган. Ота-боболаримиз давридан яъни пайғамбаримиз ҳаёти вақтида ҳам бундай ҳолатлар мусулмонларга анча хавф солган. Бундай фаровон ҳаётда яшашимиз учун қанчадан-қанча ота-боболаримиз ғанимлар билан курашган ва анча азобларни бошидан кечирганлар.

«Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлолмайсан» деб бежиз айтилмаган. Азизлар, мени кўнглимни ўртаётган бир воқеани сизларга айтиб бермоқчиман. Ҳамма тақдирданми ёки мажбуриятданми шу ерларга ишлаш мақсадида келишган. «Дўстингни йўлга чиққанингда сина» деганларидек, шу ерда яъни Ватандан, уйдан олисда бўлганингизда билар экансиз. Бу ерда ҳамма бир, бир сўз билан айтганда, мухожир ҳисобланади. Қариндошингиз ҳам бу ерда бегона. Бундай дейишимга асос бор. Ўз кўзим билан кўрдим. Қариндош – уруғлар арзимаган пул учун ўз иймонларини, қадр-қимматларини топтаганларни. Биз ҳам пул ишлаш учун шу ерга келдик. Келган кунимиз эртасига ишга яъни «ДНК РУС» деб аталувчи рус-корейс қўшма чеварчилик корхонасига чевар қилиб ишга қабул қилиндим. Бу ерга келишимизда ҳаммамизни ўзимизга яраша орзу умидларимиз бор эди. Мен билан яна 3 нафар қиз – Дилрабо, Феруза, Ферузахон исмли қизлар ҳам бирга келишганди. Ҳаммамиз бир вақтда, тенг ишга тушдик.

Қувончимиз ичимизга сиғмайди. Энди иккита масала, бири ҳужжат – яъни ишга рухсат, иккинчи масала эса вақтинчалик рўйхатга туриш ҳужжатларини расмийлаштириш мавжуд эди. Бу вақтда бизни ҳали ҳам Ўзбекистондаги инсонийлик, инсоф, иймон, одамларга ишонч ҳолатлари бизни тарк этмаган эди. Биринчи кунда баъзилар дўстона, баъзилар эса, ғанимдек қабул қилишди. Мен биринчи марта юртимдан, уйимдан узоқлигим учунми, бундай ҳолатларга лол қолдим. Хуллас, жойлашдик, ҳаммаси эртаси кундан бошланди.

Ишга олиб бориш учун ҳар куни эрталаб машина, яъни Газель русумли автомобил келиб ишчиларни олиб кетарди. Биз ҳам ҳамма қатори машинага чиқиш учун яқинлашдик. Буни қарангки, ўзимиз билан бир жойда яшовчиларни юзини кўрсангиз эди, хуллас бизга машинадан жой беришмади, тушириб юборишди. Хонага қайтиб кирдик, шу куни ишга боролмадим. Ётоқхонада ўзбек, ҳамюртимиз бўлган Хосил ака исмли, биз учун жавобгар, маъсул шахс ҳисобланувчи инсон бор эди. Унга мен ҳолатни тушунтирдим. У инсон бизга айтдики, корейсларга айтишим мумкин, лекин бу уларни қизиктирмайди-да. Ёнинглардан йўл кира қилиб боринглар деди. Мен янаям ғазабландим. Тўғри бизни ҳеч ким бу ерга мажбурлаб олиб келмаган, лекин ҳаммамиз ҳам бир жойдан, асосийси мусулмонмизку. Ҳаёт ҳамма нарсани ўргатар экан, биз ҳам жуда тез булардан абжир бўлишни ўргандик.

Энди ишимиз яхши, ойлик бор, қийинчилик ҳам ўз ўрнида кетяпти, кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Корейс раҳбаримиз ўзаро келишиб тартиб ушлаш мақсадида янги лавозимни ташкил этишди. Бу лавозим бригадирлик эди. Бу корхонада Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган аёлу – эркаклар ишларди. Буни қарангки, бахтимизга бизни вилоят, бир туманимиздан Расул исмли инсонни бригадир қилиб ишга олишди. Биз, яъни Андижонликлар бундан жуда хурсанд эдик. Расулни иш куни яъни, хукмронлиги бошланди.

Энди бизни тасаввур этолмайсиз. Бу Расул исмли инсон бира тўла корейслар тарафига ўтиб, ўзимизникиларни қийнай бошлади. Мен Ўзбекистонда ўз вақтида мактабда ўқув ишлари бўйича илмий бўлим мудири, таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари каби лавозимларида ишлаганман.

Менингча раҳбарнинг биринчи қиладиган иши, қўл остидаги ишчиларга муомала, ҳар қанака ҳолатда ҳам, уларни тинглаб, уларни ўрганиб кейин фикрлаш, қўллаб қувватлашлик, деб ўйлайман. Лекин Расулда буни акси бўлди. Расулни асли касби ҳайдовчилик, нима демоқчилигимни тушунгандирсиз. Бу касбдаги инсонда мен юқорида айтиб ўтилган ижобий ҳолатлар қайданам бўлсин. Бу ерда, яъни корхонада аксарият аёллар ишлайди. Ўзингиз тушунасиз, аёлларда эркаклардан кўпроқ сабаб бўлади.

Расул авваломбор, ўзини ишига жавоб бера оладиган, ўзига ёқмаган, ундан сал кучлирок бўлган эркагу аёлларни бир чеккадан ўз йўлидан олишдан бошлади. Ўзингиз ўйланг, корейс раҳбар қайдан ҳаммани эслай олсин, бу Расулда, яъни раҳбаримиз раҳбарларга нималарнидур айтиб қайта-қайта эслатиб, бу ишларни амалга ошира бошлади. Ҳамма ҳам бу ерга умид билан келади. Мен ўзим неча марта илтимос қилдим, бир жойданмиз ёрдам қилинг десам, раҳбарлар кўнмаяпти деб, арзимаган баҳона билан ишдан ҳайдатди. 20 кундан кейин офисга бордим. Бош директорга учрадим, гаплашдим, у тушунди. Юзимга шундай деди, сен ҳақингда менга бошқача тушунча келган эди, ишга қайтараман.

Мен шу куниёк қорхонага келдим, Расул кутиб олди, гапларимни эшитиб бир зумда йўқ бўлиб қолди. Тушлик пайтида раҳбарга ўзим учрарман деб ошхонага кирсам, Расул корейс иш бошқарувчи билан бошини бошига қўйиб қирқ минут гаплашиб ўтиришди. Расулга нима деяпти десам, унамади деб, хуллас ишга қўймади. Мен у ердан кетдим.

Яхши одамлар ҳали ҳам бор экан, шу вақтда менга Сурхондарёдан Назар ота ва Бек бобо исмли инсонлар катта ёрдам кўрсатдилар. Мен улардан умрбод миннатдорман. Мен бошқа турар-жой, бошқа иш топдим. Бу орада бир инсон учун, қанча қийинчилик бўлса, ҳаммасини тортдим. Лекин Яратган ризқингни бераман деса, ҳеч қандай бандаси тўсқинчилик қилолмас экан.

Азизлар, мен Расулни биргина менга кўрсатган кийинчиликларини ҳикоя қилдим холос. Мендек жабр кўрганлар қанчадан қанча эди. «Тоғ-тоғ билан эмас, одам-одам билан учрашади» деганларидек, орадан 1,5 йил ўтгач тасодифан телефон орқали гаплашдим. У ҳам ишдан кетганини айтди. Шунда мен унга жавобан «бойлигинг, шодлигин кетадур, ўзлигинг унутма ўзбегим» дедим.

Хурматли муштарий, бу билан сизга нима демоқчиман, қаерда бўлсангиз ҳам, ким бўлишингиздан қатъий назар ўзбекмиз, мусулмонмиз, шуни унутманг. Бу дунё қайтар дунё. Синовли дунёда синалиб қолманг. Гуноҳ фақат зинодан эмас. Қуръони каримда айтилганидек, ҳар бир қилган ишингизга жавоб берасиз.

Мусофир юртда бир – бирингизга ёрдам беринг. Иймон, инсоф қалбингиздан жой олсин!

Салом билан
Андижонлик Раъно хон
Муҳаммаджон қизи!

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5 % қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63
Ёҳуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати.
Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).
«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.
Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Янгиликлар

Дворцовый майдонида 5 декабрдан арча ўрнатиш бошланди

Петербургда янги йил байрамида Дворцовый майдонини безатадиган бош арчани танлашди. У «Скандинавия» трассасининг 132-километридаги Выборгский ўрмон хўжалиги яқинидаги Гончарово посёлкасига бурилишда ўсган. У янги йил мусобақасида 10 та даъвогардан ўзиб кетди. Унинг бўйи 35 метр, вазни тахминан 10 тонна ва шоҳларининг кенглиги 10 метрдан иборат бўлиб, уни 5 декабрь куни майдонга олиб келишди.

Ўрнитилганидан кейин арча билан декораторлар шуғулланади. У 1000 дона шар ва 8000 дона светодиодли чироқчалар билан безатиш режалаштирилган. Арча Янги йилга 19-декабрь куни тайёр бўлади.

«Канал Грибоедова»га чиқиш 30-декабрь куни очилади

Сал кам бир йиллик таъмирдан кейин «Невский проспект» метро бекатидан Грибоедова каналининг қирғоғига чиқиш очилади. Вестибюль Янги йилга, тахминан 30-декабрь куни ишга тушади. «Метрострой» станциядаги ишларини тугатмоқда: мутахассислар гидроизоляцияни тугатишда ва касса хоналарини таъмирлашди, ҳозирда юқори вестибюль девори сиртини таъмирлашмоқда ва охирги эскалаторни капитал таъмирлашни тугатишмоқда.

«Невский проспект — 2» 2012 йилнинг 1 февралида ҳароб ҳолга келган оқова ариқчасини ҳамда вестибюль девори сиртини янгилаш, ногиронлар учун пандус қуриш, ёритиш чироқларини таъмирлаш ва эскалатор устидаги витражларни янгилаш учун ёпилган эди.

Вестибюльнинг очилишидан бир неча кун аввал Метрополитен яна иккита янги станцияни ишга туширади. 27-декабрьда сиёҳ ранг линиянинг «Бухарестская» ва «Международная» бекатлари биринчи йўловчиларни қабул қилади. Ундан 10 кун олдин, яъни 17-декабрь куни «Петроградская» бекати бир йиллик таъмирга ёпилади. «Пушкинская» бекати эса 2013-йилнинг бошидан 14 ойга ёпилади. 16 йил аввал қурилган бекатда эскалатор таъмирланади ва гидроизоляция алмаштирилади. Ишларнинг бошланиш куни ҳали аниқ эмас. Метрополитеннинг режасида ёзда вақтинчалик ёпилган «Нарвская» ва «Василеостровская» бекатларини ёпиш ҳам бор.

Смольный тарихий марказни сақлаш ва ривожлантириш дастурини қабул қилди

2013-2018 йилларда тарихий марказни сақлаш ва ривожлантириш дастури Смольныйда қабул қилинди. Гап иккита ҳудуд – Коломны районидаги Конюшенной майдони ва «Новая Голландия» ҳақида бормоқда. Лойиҳа икки ҳафта давомида шаҳарликларнинг таклифлари билан тўлдирилиб борилади. Изоҳ ва таклифлар учун Иқтисодий ривожланиш қўмитасининг сайтида стикерли интерфаол тахта кўринишида махсус форма ишламоқда.

Дастурга кўра мансабдорлар 600га яқин коммуналкаларни бошқа жойга кўчириш, ҳудуддаги битта кўчани тўлиқ пиёдалар йўлаги қилиш, 17 та кўприкни таъмирлаш ва 13 гектар ерни кўкаламзорлаштириш ва иккита меҳмонхона комплексини қуриш режалаштирилган. Бунинг ҳаммасига бюджетдан 70 миллиард ва хусусий тадбиркорлардан 18 миллиард рубль ажратилади. Лойиҳа Никита Явейнанинг «Студия 44» архитектура студияси лойиҳасидан асос қилиб олинган.

Шаҳарликлар жамоат транспортида текин интернет учун имзо йиғишмоқда

Петербургликлар губернаторга овозлари етиши учун яна онлайн-арзнома қуролини ишлатмоқчи. Бу сафар шаҳарликлар жамоат транспортида текин интернетга уланишни ташкиллаштиришни таклиф қилишмоқда. Мурожаат Change.org сайтида жойлаштирилган – бу сервис Facebook ижтимоий тармоғида ва сайтнинг ўзида аккаунтдан фойдаланган ҳолда арзномаларни ташкил этади ва уларни имзолашга имкон беради. Бир неча ой аввал ҳудди шу хизмат шаҳарнинг бош ресторан кўчаси – Рубинштейн кўчасини пиёдалар юрадиган қилиш учун имзо тўплаган эди.

Активистларнинг таъкидлашича, Петербургда Париж, Лондон, Киев, Сеул ва Москва каби бошқа мегаполисларга ўхшаб бепул Wi-Fi хизматини ўз ичига олган ривожланган жамоат транспорти дастури зарур. Шаҳарликлар ўртача икки соатни йўлда ўтказади, интернетга уланиш эса бу вақтдан унумли фойдаланиш ишконини беради.

Боливия Ўзбекистон билан дипломатик алоқалар ўрнатмоқда

2012 йил 28 ноябрь куни Нью-Йоркдаги БМТ ташкилоти қошидаги Ўзбекистон қароргоҳида Кўпмиллатли Боливия Давлати ва Ўзбекистон республикаси ўртасида янги дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Келишув, ҳужжат имзоланган кундан бошлаб кучга кирди. Шу тариқа Боливия Ўзбекистон билан дипломатик алоқа ўрнатган 131 чи давлат бўлди. Унга қадар, шу йилнинг 2 октябрида Колумбия билан, аввалроқ эса 2011 йил 19 июлда Эквадор билан дипломатик алоқалар ўрнатилган эди.

Қишлоқ йўлларини таъмирлаш

Ўзбекистон 2013 йилда қишлоқ йўлларини таъмирлаш учун 202 миллиард сўм (102,5 млн АҚШ доллари атрофида) маблағ ажратади. Бу ҳақда Ўзбекистон молия вазири Рустам Азимов баёнот берди. Унинг баёнотига кўра бу кўрсаткич 2012 йилда 64 миллиард сўмни (32,5 млн доллар) ташкил этган.

«Бундан олдин ички йўлларни таъмирлаш маҳаллий бошқарув органлари зиммасида эди. Бу масала тўлақонли ҳал этилмас эди» – деди Азимов ўз баёнотида.

Унинг таъкидлашича, таъминот учун ажратилган маблағ кўрсаткичи 2013 йилда турли манбааларга қараб яна ўсиши мумкин.

Ўзбек боксчилари ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати финалига йўлланмани қўлга киритдилар

Ереванда бўлиб ўтаётган ёшлар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлари терма жамоаси аъзоларидан Муроджон Ахмадалиев (49 кг гача) ва Акмалбек Косимовлар (69 кг гача) финалга йўлланмани қўлга киритдилар.

Ахмадалиев ярим финал босқичида Филиппинлик Жаде Борнеани 24:15 ҳисоби билан мағлуб этди, энди у финалда Хитойлик Бин Лу га қарши рингга чиқади.

Косимов эса ярим финал босқичида Хитойлик Цзян Цзидини 17:14 ҳисоби билан мағлуб қилди. 7 декабрь кунги финал беллашувида унинг рақиби Украиналик Артём Соловьев эди.

Финал босқичида олтин медал учун 4 нафар Россиялик, 2 тадан Куба, Англия, Украина ва Ўзбекистон боксчилари жанг олиб борадилар.

Рус тили ойлиги натижалари

4 декабрь куни Самарқанд шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида рус тили ва адабиёти ойлиги якунланди.

Якуний натижаларни келтириш ва эришилган ютукларни намойиш этиш мақсадида мактаб маъмурияти томонидан «Тил мўжиза яратади» мавзуида тадбир ўтказилди.

Ўтказилган ойлик давомида синф хоналари ва мактаб коридорлари рус тилидаги деворий газеталар, китоб жавонлари эса мавзуга доир буклет, брошюра ва журналлар билан тўлдирилди.

Мактаб ўқувчилари эса турли тадбир ва мусобақаларда ўз билимларини намойиш этиш билан бирга яна янги билимларга эга бўлдилар. Тадбир давомида мактаб ўқувчилари турли эртак қаҳрамонлари образларини яратдилар, миллий рақс, ашула ва шеърлар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини намойиш этди.

Тадбир сўнггида фаол ўқувчиларга мактаб маъмурияти томонидан мақтов ёрлиқлари ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тиббиётнинг прогрессив методлари

Ўзбекистонда замонавий молекуляр-биологик ва хатарли шишларни эрта иммунофермментли аниқлаш методларини тадбиқ этиш жадаллик билан олиб борилмоқда. 2015 йилгача мўлжалланган «Онкологик хизматининг келажакдаги ривожланиши ва моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши» дастурига асосан, барча онкологик диспансерларда зарур ускуналар ўрнатилади.

Иммунофермент анализи шишларнинг тарқалганлик даражаси ва касалликнинг даври ҳақида қўшимча маълумот беради. Унинг натижаларига қараб организмнинг даволанишга нисбатан ўзини тутиши, ўтказилган муолажанинг самарадорлигини аниқ муҳокама қилиш мумкин. Биринчи муолажадан кейин бундай анализларнинг доимий равишда ўтказилиши шиш қайта ривожланиши жараёнини онкологияда қўлланиладиган бошқа методларга нисбатан аввалроқ аниқлашга имкон беради, – дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги бош онкологи Мирза-Али Ғофур-Оҳунов.

Парлумони точик тагйирот ба Кодекси гумрукро пазируфт

Вакилони Мачлиси Намояндагони Точикистон дар чаласаи навбатии парлумон 7 декабр тагйиру иловахо ба Кодекси Гумруки кишварро пазируфтанд. Ба хангоми баромад кардан дар назди вакилон аз руи масъалаи мазкур, нахустмуовини сардори Хадамоти гумруки чумхури Неъмат Рахматов, изхор дошт, ки тагйироти чадид кохиш додани шумори номгуи хуччатхоро дар вакти сабти гумруки пешбини кардааст. Ба ин хотир, ки хидматрасонии гумруки ба меъёрхои Кодекси чадиди андоз мутобик карда шавад. Тибки гуфтахои вай, хамчунин тагйироти воридшуда синни нафакаи кормандони Хадамоти гумрукро муайян мекунад.

Чоми миллатхои Осиё-2013: «Равшан» бо дастахои Кувайт, Урдун ва Сурия мебозад

Дар дафтари марказии Конфедератсиони футболи Осиё (КФО) дар шахри Куала-Лумпур 6 декабр даври куръапартои барои бози кардан ва мусобикаи гурухии Чоми КФО-2013 барпо шуд, ки дастахои футболбози точик – «Равшан»-и Кулоб ва «Регар-ТадАЗ»-и Турсунзода ракибони худро шинохтанд.

Тавре сомонаи расмии Федератсияи футболи Точикистон хабар медихад, бино бар натичаи куръапартои кахрамони тозапайдои Точикистон «Равшан»-и Кулоб ба дастаи «D» шомил гардида, бо дастаи кахрамони Кувайт «Ал Кадисия», тими голиби Урдун «Ал Рамта» ва пурзуртарин дастаи Сурия «Ал Шорта» куваозмои хохад кард. Аввалин бозии худро дар Чоми КФО-2013 тими кулоби 27 феврали соли 2013 дар Точикистон бо «Ал Рамта»-и Урдун баргузор хохад кард. 16 феврал чемпиони 7-каратаи Точикистон «Регар-ТадАЗ» бо дастахои «Аль-Вахда» (Сурия) – "Аль-Ахли Таизз" (Умон) мебозад.

Шаҳраки Хисори Точикистон 3- хазорсола мегардад

Президенти Точикистон Эмомали Рахмон дар нохияи Хисор як мактаби чадид кушод. Ин муассиса бо дастгоххои лабаратори ва техникаи компютерии пешкадам мучаххаз шудааст. То таъсиси ин бино хонандагон дар бинои хурде таълим мегирифтанд. Дар хар кадом синфхона чанд предмет таълим дода мешуд, накл мекунад муаллимаи мактаб Нурбиби Минбоева. Дар мактаби навбунёд барои хамаи 1,5 хазор толибилме, ки аз дехахои атроф ташриф меоранд, чой мерасад. «Мактаб барои фанни физика, химия, биология ва хамчунин синфхонаи компютери дастгоххои муосир дорад. Умедворам, ки хонандагон бо истифода аз шароити хуби мактаби нав руз аз руз дониши худро таквият хоханд дод», – гуфт Эмомали Рахмон.

Баъд аз 3 сол маркази нохия – шахраки Хисор – чашни 3 хазорсолагии худро тачлил мекунад. Макомот ваъда мекунанд, ки ба ин сана шахрак комилан омода хохад шуд. Феълан президент ба як катор сохтмонхо асос гузошт. Дар фурсатхои наздик инчо чойхона, касри фарханги, китобхона, осорхона, боз як мактабу гимназияи президенти комат хохад афрохт. Ба чуз ин, дар Хисор сохтмони комбинати металгудози идома дорад. Ин лоихаро Точикистон дар хамдасти бо хамкорони Чини дорад бунёд мекунад.

Чопон ба кудакони маълули Точикистон кумак мекунад

Анчумани кумак ва дастгирии Чопон ба татбики лоихае огоз кард, ки табобат ва таъмини тачхизоти тибби барои кудакони маълулро дар бар мегирад. Барои татбики лоихаи мазкур, ки барои як сол нигаронида шудааст, зиёда аз 600 хазор доллар чудо мегардад. Хадафи аслии лоиха пурзур кардани иктидори Маркази солимгардонии кудакони нохияи Вахдат ва таъмини он бо тачхизоти муосири тибби дониста мешавад. Дар доираи лоиха бо курсихои махсуси маъюби кудакони маълули Хучанд таъмин мегарданд. Ба вижа, 70 адад курсихои маъюби ба кудакони маълули маркази солимгардони Вахдат ва 50 адади дигар ба кудакони Хучанд чудо хохад шуд.

Маросими имзои тафохумномахо дар бораи лоихаи Анчумани кумак ва дастгири дар Душанбе бо иштироки сафири Чопон дар Точикистон Хиройику Имахаши баргузор хохад шуд.

Бишкекда 12.12.12 куни 40 та жуфтлик оила қуришди

2012 йилнинг 12 декабрь куни бошқа кунларга нисбатан кўпроқ жуфтлик никоҳ қуришга қарор қилди. Бишкекдаги марказий ФҲДЁ бошлиғи Айнура Чинибаеванинг айтишича, бўлғуси оилалар бу кунни шунчаки танлашган. Бошқалар эса сеҳрли рақамларни бўлғусида уларга бахт келтиради деган мақсадда танлаган.

Қоидага биноан, рўйхатдан ўтиш аризаси бир ой ёки энг кўпи билан икки ой олдин топширилади. Бунда ёшлар ФҲДЁнинг дам олиш куни ҳисобланган душанба ва сешанба кунидан ташқари исталган кунни танлашлари мумкин. ФҲДЁда бир ойлик муддатни кутмасдан никоҳдан ўтиш фақат келин ҳомиладор бўлса ёки ёшлар фарзадли бўлсаларгина амалга оширилади. Бундай имтиёздан командировкага юборилаётган ҳарбийлар ҳам фойдаланиши мумкин.

2013 йилда Қирғизистон бюджетига донорлардан 50 миллион АҚШ доллари киритилган

2013 йил бюджетига Осиё Тараққиёт Банки ва Жаҳон Банкидан 50 миллион АҚШ доллари киритилган. Гап 2012 йилда киритилмаган 50 миллион АҚШ доллари ҳақида бормоқда. ОТБ ва ЖБ республиканинг баъзи қонунлари талаб даражасига келтирилмагани учун ўз вақтида бу маблағларни ўтказмаган эди.

ЖБ 30 миллион АҚШ долларини бюджет кодекси қоидаларини бажармаганлиги, Ягона ғазначилик ҳисоби, ҳамда суд тизимидаги ислоҳотларнинг амалга оширилмаганлиги натижасида 2013 йилга қолдирилган.

Қирғизистонлик талаба Жаҳон универсиадаси-2013га тайёрланмоқда

Талабалар ўртасида самбо бўйича Жаҳон Кубоги совриндори Анара Эстебесова 2013 йилнинг ёзида бўлиб ўтадиган Жаҳон универсиадаси-2013га тайёргарлик кўрмоқда. Анара Қозонда бўлиб ўтган Жаҳон кубогида совриндор бўлди ва ҳозир яна бир шоҳсупани эгаллашга тайёрланяпти. У 57 килограммгача бўлган вазн тоифасида қатнашади. Жаҳон кубоги 9-15 декабрь кунлари яна Қозонда бўлиб ўтади.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари Янги Йил арчаси ва Бишкекда бўладиган байрам концертига таклиф этилади

Бишкек шаҳар мерияси болалар учун ранг-баранг Янги йил чиқишларини ташкиллаштирмоқда. Шаҳарда ижтимоий ҳимоясиз оила фарзандлари учун ҳайрия шаклида ўтказиладиган байрам арчасига тайёргарлик кетмоқда. Бу тадбир билан биргаликда Бишкек шаҳар мерининг Янги йил ҳайрия арчаси ҳам режалаштирилган.

Шаҳар бошлиғи номидан арча байрами «Сейтек» болалар ва ўсмирлар марказида ва Малдибаев номидаги опера ва балет театрида бўлиб ўтади. Ундан ташқари болалар учун шаҳарнинг барча районларида ҳам ўтказилади. «Сейтек» болалар марказига соғлиги чекланган 700га яқин болалар, опера театридаги Янги йил тадбирига аълочи ва кам таъминланган оилаларнинг 1200га яқин балалари таклиф қилинади. Болаларнинг барчаси Қор Бободан совғалар олишади.

Бишкек ва Қирғизистон епархияси ўзининг бир йиллигини нишонлади

Бир йил олдин Бишкек ва Қирғизистон епархияси ўзининг мустақил фаолиятини бошлаган эди. 2011 йилнинг 7-декбрь куни Владико Феодосий Муқаддас-Воскресенский кафедрал бош черковида биринчи хизматни ўтаган эди. 2011 йилда Рус Черкови епархияси ва Муқаддас синод Қирғизистон черковини Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясидан чиқариб, уни алоҳида Бишкек ва Қирғизистон епархияси сифатида тасдиқлашга қарор қилган эди. Епархиянинг бошлиғи этиб сергайрат, ҳаётсевар, кирқ ёшли епископ Феодосий тайинланган.

Муқаддас-Воскресенский кафедрал бош черкови ўзининг бир йиллик фаолияти давомида ўз қиёфасини анча ўзгартирди. Инъом сифатида Почаевский Богоматерь ва муқаддас чиримай сақланган мурдаларни олган. Черковда маълумот-матбаа маркази очилди, диний мактаб қурилиши режалаштирилган. Епископ Феодосий Қирғизистон бош вазири Жанторо Сатибалдиев билан «ер масаласи»ни ҳал қилиш учун бир неча марта учрашган.

Россиянинг мухожирлик хабарлари

Қонун ва тартиб

Бу Россиядаги миграцияга алоқадор шов-шувли хабарларнинг биринчиси ҳам, оҳиргиси ҳам эмас. Қонунни бузишдан аввл ўзингизга юзинчи марта «менга шу керакмиди?» деган саволни бериб кўришингизни сўраймиз. Ҳеч бўлмаса биттагина чет эллик фуқаро бу хабарларни ўқиб Россияда бўлиш ҳужжатларими ёки оддий англашилмовчиликданми ўзини тийса, биз ўз вазифамизни уддаладик десак бўлади.

Марий Элдан уйга

Марий Эл республикасида ИИВ, ФХХБ ва ФМХБ ҳамкорлигида икки этапда, баҳорда ва кузда ўтказилаётган «Нелегал» тезкор-профилактика операциясининг хулосалари чиқарилди. Тадбир Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) га аъзо давлатлар ҳудудида ўтказилмоқда.

Полиция ходимларининг асосий диққат эътибори муҳожир-ноқонунийларнинг кўпчилиги меҳнат қиладиган бозорлар, савдо корхоналари, қурилиш майдонлари, ёғочни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги объектлари бўлди. Тадбир давомида республиканинг вокзаллари, перрон ва тўхташ платформалари ҳам текширилди. Тадбир иштирокчилари россияликларни чет элларда ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган воситачи ва туристик ташкилотлар фаолиятини ҳам ўз эътиборларидан четда қолдиришмади.

«Нелегал» тадбирининг икки этапида Марий Элда 640 дан ортиқ тезкор-қидирув ва профилактика ишлари ўтказилди. Натижада полиция ва ФМХБ ходимлари томонидан миграция, чет эллик ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки Россия территориясида улар томонидан ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширишга боғлиқ 60 га яқин маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланди. 81,1 минг рубллик маъмурий жарима белгиланди.

4 октябрь куни Россия ИИВ МО «Волжский» ходимлари томонидан Волжскда миграцион рўйхатда турмасдан яшаган чет эл фуқароси аниқланган. Унга нисбатан Россиянинг Марий Эл Республикаси бўйича ФМХБ томонидан 2000 рубль миқдорида жарима ундириш ҳақида қарор қабул қилинди. Яна, чет эл фуқаросига ноқонуний жой бергани учун Волжсклик бир аёл ҳам маъмурий жавобгарликка тортилди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан миграция қонунчилигига амал қилмаганларни аниқлаш ишлари нафақат махсус тадбирлар вақтида, балки доимий равишда ўтказилиб келинмоқда.

Карелиялик тожиклар ўз ватанларига қайтишди

Тожикистоннинг 1990 ва 1992 йилларда туғилган икки фуқароси Россияда бўлиш вақти тугагани муносабати билан Костомукшский ва Петрозаводский шаҳарлар судлари қарорига асосан суд ижрочилари томонидан Россия ҳудудидан бадарға қилиндилар. Уларнинг бири ўз айбига иқрор бўлиб маъмурий бадарғага рози бўлса, иккинчиси унинг ҳужжатлари тўғри эканлиги ва Россияда бўлиш ҳуқуқига эга эканлигига Петрозаводск шаҳар судясини ишонтиришга ҳаракат қилди.

Фуқаронинг фикрича, Россияда бўлиш муддатининг тугашига бир ҳафта қолганда Федерал миграция хизмати бошқармасига боради, ўртоғи у ерда миграцион картасини бериб, ўрнига муддати узайтирилган мигранцион карта деб бошқа миграцион карта берган Георгий деган шахс билан таништиради. Маълум бўлишича, иккала миграцион карта ҳам қалбаки бўлган. Судья Россия Федерацияси ҳудудида ноқонуний бўлган фуқароларни маъмурий бадарға қилиш ҳақида қарор чиқарди.

Карелия Республикасида йил бошидан буён чет эл ва фуқаролиги бўлмаган 64 шахс суд ижрочилари томонидан бадарға қилинди.

Ноқонуний муҳожирлар Россиядан бадарға қилинди

Киров суд ижрочилари Россиядан 50 дан ортиқ чет эл фуқароларини бадарға қилди. Шу кунларда икки Тожикистонлик ва бир Арманистонлик Москва аэропортларидан бирининг чегара назорат пунктигача кузатиб қўйилган. «Нелегальный мигрант» операцияси давомида аниқланган шахслар яқин икки ҳафтада чегара назорат пунктигача кузатиб қўйилади.

Муҳожирлар ҳақидаги яна бир шов-шувли хабар ҳақида батафсил маълумотлар пайдо бўлди. Октябрь ойи ўртасида миграцион ва полиция хизмати ходимлари ҳудуддаги парранда фабрикаларининг бирида Ўзбекистон, Тожикистон ва Арманистондан келиб, ноқонуний равишда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланаётган чет эл фуқароларини аниқлади. Ноқонуний муҳожирлар 12 кв. метр хонада санитария нормаларига зид ҳолда икки қаватли краватдан иборат шароитда яшаган. Воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Чет эл фуқароларига нисбатан суд Россия ҳудудидан бадарға қилиш ва жарима тўлаш ҳақида қарор қилди.

Чебаркуль янгиликлари

Чебаркуль районида ўтказилган «Нелегальный мигрант» тадбирида полиция ходимлари томонидан Россияда бўлиш қонунларининг бузилишига доир 14 маъмурий протокол тузилди. Белгиланган жарималарнинг жаъми суммаси 26 минг рубльдан ошди. Тадбир мобайнида полиция ходимлари ишлаб чиқариш, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги иш берувчиларини уларда ҳорижий ишчи кучини ишлатиш учун рухсатномаларини борлигини ҳам текширди.

Текшириш натижаларига кўра ишлаш учун рухсатномага эга бўлмаган чет эл фуқаролари фаолият юритаётган иккита ҳолат аниқланди. Бу ҳолатларда чет эллик ишчиларга ва иш берувчиларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақида протоколлар тузилди.

Бундан ташқари Ўзбекистонлик ишчиларнинг турмуш ўртоқлари яшаш жойида рўйхатдан ўтмасдан хонадонда яшаган. Ушбу қонунбузарлик учун маъмурий жарима икки минг рубльни ташкил этади. Бу сумманинг икки баробар кўпини чет эллик фуқароларга рўйхатдан ўтмаган ҳолда жой бергани учун ҳонадон эгаси тўлайди.

ДОСТОЙНОЕ ПРОЖИВАНИЕ ДОСТОЙНОМУ ТРУДУ!
ПРИОРИТЕТНЫЙ ПРОЕКТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГА
яшаш 120 рубл бир кунда
тел. : 8-931-351-13-86

Маданият хабарлари

«Маданий пойтахтда – дунё маданияти»

Санкт-Петербургда ёшларнинг «Маданий пойтахтда – дунё маданияти» деб номланган фестивал-беллашуви бешинчи бор бўлиб ўтди. Бу воқеа шундай холатлардан бирики, бунда қатнашиш, галабадан устундир. Биринчидан, иштирокчиларнинг барчаси мукофотланадилар, иккинчидан, мукофотнинг энг каттаси иштирокчиларга уларнинг ўйларига аввал келмаган замонавий жамиятнинг қадр-қимматларини қабул қилиш ва ўзларига янги қирралар кашф этиш, атрофга янгича назар ташлаш ва ўз ҳаётларини ва севимли шаҳарларини яхши томонга ўзгартиришдан иборатдир.

«Маданий пойтахтда – дунё маданияти» фестивалида
Сурат сайтдан http://spbtolerance.ru

«Бағрикенглик» дастури асосида Санкт-Петербург шаҳар ташқи алоқалар қўмитаси, шаҳар районлари бошқармалари ва Санкт-Петербург Миллатлар Уйининг ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль-мусобақаси бўлиб ўтди.

-Аввал бошдан бағрикенглик нималиги болалар билан аниқлаб олишимиз керак – дейди Санкт-Петербург шаҳар ташқи алоқалар қўмитаси ходими Наргис Ахадова. Бу авваламбор бир-бирини ҳурмат қилиш, ҳозирги дунёмизнинг маданий хилма-хиллигини тан олиш ва тушунишдир. Бу- билимга асосланган ҳурматдир: биз Россияда ва Санкт-Петербургда яшар эканмиз, рус маданияти, тарихи, анъаналари, тили ва ўзни тута билишнинг европача меъёрларини англашдир.

Мусобақага тайёргарлик ҳар томонлама жиддий ва ўқув йилининг бошиданоқ олиб борилди. Аввал район координацион марказларининг вакилларини тайёрлайдиган ижодий лабораториялар; кейин эса – ўқувчилар учун тренинг. Районлар ўртасида баҳслашиш имконини қўлга киритиш учун сентябрь ойида район доирасида беллашувлар бўлиб ўтди. Мусобақага қаттиқ тайёргарлик кўришди, уни интизорлик ва ҳаяжон билан кутишди, ахир у ерда жамоалар ўз районларининг шаънини ҳимоя қилишади. Ва ниҳоят «Лицедеев» саҳнасида 18 та жамоа навбатма-навбат ўз маҳоратини намойиш этади.

Биринчи мусобақа – брейн-ринг: жамоалар рус давлатчилигининг шаклланишига доир 5 та саволга жавоб беради. Иккинчи мусобақа журналистикага доир: ҳар бир жамоа замонавий Санкт-Петербургга доир миллатлараро муносабатларни акс эттирган репортаж тайёрлайди. Учинчиси – саҳна кўриниши: жамоалар бағрикенглик ва бошқа миллат вакиллари билан тинч-тотув ҳаёт кечириш ҳақидаги тушунчаларини кўрсатиш. Дастур кўп миллатли Санкт-Петербург шаҳрига аталган видеолавҳа намойишидан бошланади. Ўқувчилар диққат билан роликни томоша қилишади: буни қарангки, шаҳримиз аввалдан бағрикенглик намунаси ҳисобланган, бу ерда барча дин вакилларига ҳурмат билан қарашган, бугун эса Санкт-Петербургда 138 миллат ва 40 та диний конфессиялар вакиллари истиқомат қилмоқда.

Видеолавҳа беллашувчиларни жиддий мусобақага тайёрлайди, ахир биринчи мусобақа – энг қийини. Агар журналистика ва саҳна кўринишида жамоалар уй вазифаларини намойиш этишса, брейн-ринг реал вақтда бўлиб ўтади. Саволни илиб олиб, рақиблардан аввал жавоб бериш керак. Қатнашчиларнинг мусобақада қатнашиш қоидаларига риоя қилишларини бошловчи – «Что? Где? Когда?» клуби аъзоси, Хрустал бойўғли мукофоти соҳиби Михаил Скипский кузатиб боради. Саволлар мураккаб: қадимги славянлар тарихи, 1812 йилги Улуғ Ватан уруши, Пушкин ва Гоголь, Минин ва Пожарский... Муҳлислар асабийлашади, «билимдонлар» бири қўйиб-бири жавоб беради, бошловчи столида гоҳ қизил, гоҳ яшил чироқ ёнади.

«Фокусда» («В фокусе») конкурси учун тайёрланган лавҳалар ҳакамлар томонидан олдиндан танлаб олинган. Ғолиб – Калининский райони жамоасининг фотолавҳасидир. Ёш журналистлар ўз лавҳаларига мавзуни осмонга ният билдирилган фонарикларни учириш учун чиқишганда топишган – петербурглик ёшларда шундай ўзига хос қизиқиш бор. Ўша ерда болалар замонавий Ромео ва Джульетта бўлган армян қизи Света ва озарбайжон боласи Эльмар билан учрашишади. Улар ўзларининг бир-бирлари билан қарама-қарши бўлган халқдан эканликларини билгунларигача бир синфда ўқиб, қаттиқ дўстлашишган. Дўстликлари дарз кетган, лекин кейинчалик кимларнингдир фикри билан ўзларининг муносабатлари бузилишини олдини олишган. Калининский район терма жамоаси таркибига кўра кўпмиллатли бўлишига қарамай томошабинларда чуқур тассурот қолдирди.

«Петербургский диалог культур» конкурсида жамоалар нафақат кичик саҳна намойиш этиш, балки замонавий мегаполисда ҳар хил одамлар билан тоза дилдан яшашни кўрсатиб бериш лозим. Адмиралтейский райони «Аждарҳони ўлдириш» («Убить дракона») деб номланган саҳна кўринишида лоқайдлик ва совуққонлик аждарҳо сифатида намойиш этилган. Калининский район терма жамоаси яхшилик ва ёмонликнинг асрлар давомидаги курашини акс эттирган. Колпинский райони жамоаси бош қаҳрамон ҳушчақчақ кампир кўринишида петербург метросида бўлиб ўтган қизиқарли саҳна кўринишини намойиш этди.

Мусобақа якунини эълон қилишдан аввал ҳакамлар томошабинлар билан ўз таассуротларини ўртоқлашишди. Тарих фанлари доктори, профессор Евгений Анисимов: ҳар бир жамоа нимаси биландир эсда қолди, томошабинлар қалбида ўз изини қолдирди, деб баҳо берди. «Вечерний Петербург» газетасининг «Город» бўлими муҳаррири Алла Репина ёшларга улардан катталар кутган гапларни ва ишларни қилишни эмас, балки софдил бўлишни, мустақил фикрлашни ва мустақил бўлишни маслаҳат берди. «Лицедеи» театри артисти Анвар Либабов иштирокчиларга ўз иқтидорларини намойиш этиш учун омад тилади.

Ҳакамлар ўзаро маслаҳатлашганидан кейин мусобақа натижасини эълон қилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар – Адмиралтейский ва Кировский районларига насиб қилди. «Маданий пойтахтга – дунё маданияти» фестиваль-мусобақасининг районлараро босқичида ғолиб Колпинский райони жамоаси (446-гимназия жамоаси) этиб топилди. Жамоа «Маданий пойтахтга – дунё маданияти» фестивалининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Анна Демидова

Танлов

«Ижод куртаклари» танлови

Ҳурматли муштарийлар, таҳририятимиз томонидан эълон қилинган «Ижод куртаклари» танлови давом этмоқда. Ушбу сонда аввалдан сизга таниш бўлган, ажойиб истеъдод соҳибаси, шоира ҳамюртимизнинг шеърларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Маълумотнома: Настарин Ифорзода таҳаллуси остида ижод қилувчи шоира қизимиз, 1988 йилнинг 6 февралида, Ўзбекистоннинг кўҳна ва гўзал шаҳарларидан бири – Бухорода таваллуд топган. Ислом Афғон Республикасидаги Қобул педагогика институтида таҳсил олган. Болалигидан шеъриятга меҳр қўйган. Настарин Ифорзоданинг қаламига мансуб шеърлар вилоят ва республика газеталарида бир неча маротаба чоп этилган. Айни вақтда Ўзбекистонда келажак авлодга билим бериш ва тарбиялаш билан шуғулланади. Ушбу шоира қизимизнинг Ўзбекистондан туриб газетамизга бефарқ бўлмаганлиги ва танловда иштирок этиш учун ўз шеърларини таҳририятимизга йўллаганлиги учун таҳририят ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Қанчалар тубансан, қанчалар юксак..
Инсонсан, кўзингни очсангчи андак..
Тоғлар қулай дейди офатларингдан,
Мол-дунё нафсингни этса гар эрмак...

Бир чақа қийматга сотсанг иймонни,
Кўзларга тик қараб айтолсанг "эртак",
Тутунлар тутмасми кенг бу жаҳонни,
Мол дунё нафсингни этса гар эрмак...?!

Шолининг ортидан дерлар сув ичар,
Пояга чирмашган ҳар беор курмак...
Хатто фарзандидан бир онда кечар,
Мол дунё нафсини этса гар эрмак...

Одамзод!!!

Одамлик журъатинг қайларда қолди?
Бир онлик ҳаётга боқсангчи тийрак?!
Нахот Мухаммад (с.а.в)нинг суннати толди??
Мол дунё нафсингни этса гар эрмак??

Тунлар кўзларимга келмайди уйқу,
Дунё ўйинлари бунчалар сергак???
Дилимни кезмасин хавотир, кутқу
Мол дунё нафсимни этмасин эрмак!!!

****

Ушалса гар миллатимнинг армонлари,
Фидо бўлса юрт чун дарднинг дармонлари,
Қолармишми ҳар элатнинг ёмонлари,
Пулга сотилмаган мардлар бор бўлсин,
Ватанни севганга Худо ёр булсин!

Аҳдлашганлар аҳдда содиқ турсалар,
Ҳамма миллат баҳамжиҳат юрсалар,
Одам Ато бир Отамиз-билсалар!!!!
Пулга сотилмаган мардлар бор бўлсин,
Ватанни севганга Худо ёр булсин!

Қалбаки электрон авиачипталар

Нима учун арзон электрон авиачипталарни харид қилиш керак эмас

Кўпчиликка сир эмаски, айни вақтда Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти ҳудудида сўнги йилларда қалбаки электрон авиабилетларни сотиш жуда кенг тарқалиб кетди. Кундан кунга бундай фирибгар ва товламачилардан жабр кўраётган кишилар сони ортиб бормоқда, уларнинг аксариятини, минг афсуски- Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлари ташкил қилмоқда. Энг ачинарли томони шундаки, қалбаки электрон авиабилетлар сотаётган бундай фирибгар ва товламачиларни орасида сиз билан бизни ватандошларимиз ҳам туришибди.

2012 йилнинг 6 декабрь куни Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига ўндан ортиқ Тожикистонлик ва Ўзбекистонлик мухожирлар, ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Уларнинг барчаси қалбаки авиабилет сотувчи-фирибгарлардан жабр кўришган. Уларнинг маълум қилишларича, жорий йилнинг куз ойида «Площадь Восстания» метро бекати яқинидаги авиакассалардан биридан авиабилет харид қилишиб, авиабилетларни нархи 12 мингдан 14 мингача рублни ташкил қилган.

Шерали Аликулов, Отабек Абдумуратов ва Искандер Курбоновлар 6 декабрь куни ўз ватанларига учиб кетишлари лозим эди. Ҳар қалай авиабилетда шу сана кўрсатиб ўтилган эди. Барча совға-саломларни олишиб, кўтаринки кайфиятда аэропортга келишганда, рўйхатдан ўтиш жойида авиабилетлари бекор қилинганлигини маълум қилишади. Яъни бу билетлар бўйича учиб кетолмайдилар. Шу тарзда уларни парвозга қўйишмайди. Аввалида, йигитлар буни қандайдир бир адашмовчилик деб билишиб, вазиятга ойдинлик киритишга ҳаракат қилиб кўрадилар. Улар авиабилет харид қилишган, авиакассага қўнғироқ қила бошлайдилар. Ҳеч ким жавоб бермайди. Сўнгра авиакасса жойлашган манзилга етиб келадилар. Бироқ у ер ёпиқ бўлиб, сотувчи ҳамюртлардан дом-дарак ҳам қолмаган бўлади.

Аликулов, Абдумуратов, Қурбонов ва бошқа яна бир нечта жабрланувчилар англаб етадиларки, уларни алдашиб, чув туширириб кетишди. Уларнинг барчаси авиабилет учун бир неча мингдан тўлашиб, охир-оқибат ҳеч нарсасиз қолиб кетишди. Йигитлар бу «билетларни» олиб келишиб, менга кўрсатишди. Улар харид қилган, авиабилетлар, бир пулга қиммат бўлган, оддий қоғозга чиқарилган қалбаки электрон билетлар экан, уларни кўрибоқ, қалбаки эканлигини англаб етдим. Бундай авиабилетларда парвоз вақти ва санаси, жўнаб кетиш ва қўниш аэропорти ва шаҳри, йўловчи тўғрисидаги маълумотлар, ҳақиқий билетдаги сингари кўрсатиб ўтилади. Бироқ бу маълумотларни оддий принтер ва компьютерга эга бўлган одам, бир неча дақиқани ичида чиқариши мумкин. Бу ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Шу тарзда, фирибгарлар оддий қоғозни принтердан чиқариб, уларни бир неча ўнг минг рублга, авиакомпаниядаги ҳақиқий билетдан бироз арзонроқ қилиб, сотиб келишган.

Фондга мурожаат қилган мухожирларни маълум қилишларича, уларга ўхшаган алданганлар жуда кўпчиликни ташкил қилар экан. Жабрланувчиларни аксарият қисми, мухожирлардан иборатдир. Чунки, бу билетларни ўзимизнинг ҳамюртларимиз, ҳамшаҳарларимиз сотганлар. Шу боисдан ҳам, бу йигитларда ҳеч қандай шубҳа пайдо бўлмаган, уларнинг ёлғон сўзларига ишонишган.

Фондга ташриф буюрган мухожирлар ариза ёзишиб, қаердан, қачон ва қандай қилиб авиа билетланр харид қилишганини маълум қилдилар. Бундан ташқари, сотувчи фирибгарларни ташқи кўриниши, алоҳида белгиларини маълум қилдилар. Фонд мутахассиси барча маълумотларни ваколатли ҳуқуқ тартибот идорасига жўнатди. Айни вақтда тезкор тергов ҳаракатлари давом этмоқда. Қурбонов, Аликулов, Абдумуратов ва унинг бошқа дўстлари яна бир неча кун мобайнида Санкт-Петербургда қолишга мажбур бўлишмоқда. Тергов ҳаракатлари якунланиб, фирибгарлар айби суд орқали тўлиқ тасдиқланса, уларнинг пуллари ундириб берилади. Фирибгарларнинг айби терговда тасдиқланишига умид қилиб қоламиз. Шу билан биргаликда, ушбу мақола орқали мен сизларга авиа билетлар ва уларни қаерда сотиб олиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бир неча фойдали маслаҳатларни бериб ўтишни жоиз деб топдим. Қалбаки ҳужжатларни ҳақиқийсидан ажрата олишни билиш муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, қалбаки электрон авиабилетлар фирибгарлиги билан боғлиқ бўлган шов-шувли ишлар жуда кам бўлиб, уларни бармоқ билан санаб ўтиш мумкин. Эҳтимол, статистика маълумотларида келтириб ўтилган, 1% қайтариб бўлмас зарар, фақатгина қоғозлардагина минимал бўлиб қолмоқда. Шу билан биргаликда, мутахассисларнинг сўзларига кўра, полиция идораларига ҳар ўн иккинчи жабрланувчи мурожаат қилмоқда холос. Қолганлари эса йўқ. Чунки, ўз уйингдан бир неча минглаб километр узоқда, ўзга юртда бўлганингда, узоқ муддат давом этувчи суриштирув ва текширув ишларига, одамни кучи ҳам, сабри ҳам чидамайдида. Шу боисдан, жиноятчилар жазодан қутулиб қолишга умид боғлашади.

Мисол тариқасида, энг кўп тарқалган фирибгарлик усулларидан бир нечтаси келтириб ўтаман. Энг биринчиси, Интернет билан боғлиқ бўлиб, у ерда жуда кўплаб эълонларга кўзингиз тушиши мумкин: «Арзон билетлар», «Арзон электрон билетлар» ва бошқалар. Одатда бундай реклама иборалари ортида, бир кунлик-фирмалар туриб, улар энг қисқа муддат ичида энг кўп буюртма йиғиб олишни мақсад қиладилар. Фирибгарлар одатда авиакомпания сайти орқали сизга керакли бўлган санага авиабилет банд (бронирование) қилишади, сиз тўғрингиздаги маълумотларни киритиб, принтер орқали чиқарадилар. Сиз мўмайгина пулни тўлайсиз ва сизга «арзон авиабилетни» топширадилар. Кейинроқ эса, фирибгарлар қайтадан авиакомпания сайтига кириб, банд қилинган авиабилетни бекор қилишади. Билет ўз кучини йўқотади. Табиийки бу ҳақда сизларни ҳеч ким огоҳлантирмайди, сиз фақатгина чамадон ва юкларингизни йиғиштириб, яхши кайфиятда аэропортга келган вақтингиз қўлингиздаги билет қалбаки эканлигидан хабар топасиз. Шу тариқа, ёлғон-авиакассалар йўлга отланган йўловчиларни тер тўкиб топган пулларини бемалол оладилар ва ... ғойиб бўладилар. Юқоридаги ноинсоф билет сотувчилар, ўзлари ҳам мусофир бўла туриб, қандай қилиб ўз ҳамюртларини алдашга жазм этганлигини тасаввур қилиш қийин.

Фирибгарликни яна бир асосий сабабларидан бири-харидорларни керагидан ортиқча ишониб юборишидир. Бу схемада барчаси оддий. Ёлғон авиабилетни (табиийки анча арзон) фирибгар ўзини уйидаги компьютерда тайёрлайди, принтер орқали чиқаради ва ... ҳеч нарса бўлмагандек, виждон билан ҳеч нарсани шубҳа қилмаган, ишонувчан харидорга топширади. Бунда пулни аввалдан санаб олади, пулни олиш ёдидан чиқмайди. Бундай авиабилетлардаги ягона ҳақиқий маълумот бу йўловчи тўғрисидаги маълумотлардир.

Бу масалани энг муаммоли томони шундаки, ёлғон-авиабилетни ҳақиқийсидан ажратиб бўлмайди. Шу боисдан, агарда сизда ҳам яқинлашиб келаётган санага авиабилет бўлса, энг яқин жойлашган авиакомпания ваколатхоналарида ҳақиқийлигини текшириб кўришни маслаҳат берардим, бунда билетни тўлиқ харид қилинганлигига ва банд (бронирование) этиб қўйилмаганлигига эътибор беринг. Бундан ташқари, авиабилетларни «Ўзбекистон хаво йўллари» Ўзбекистон миллий авиакомпанияси расмий ваколатхонасида текширтиришингиз мумкин. Ўзбекистон авиакомпаниясининг Санкт-Петербургдаги офиси қуйидаги манзилда жойлашган: Большая Конюшенная кўчаси, 27 уй. Телефон: (812) 312-75-36.

Метро бекатлари яқинида ўзбек ва рус тилларида реклама қоғозлари тарқатаётган олиб-сотарлардан, воситачилардан асло билет харид қила кўрманг. Воситачи ўз ҳамюртларингизни ширин сўзларига ҳам ишонманг. Авиабилетларни фақатгина авиакомпания сайтидан ёки расмий ваколатхоналаридан ва авиакассаларидан харид қилишингизни маслаҳат бераман. Чунки, парвозни амалга оширувчи авиакомпаниядан ташқари, бошқа ҳеч ким авиабилетларни арзон сота олмайди. Арзон нархларни орқасидан югурманг. Хасис икки баравар тўлайди деганлари рост.

Эҳтиёткор ва ҳушёр бўлинглар, азиз муштарийлар! Ҳамиша ҳарид қилинган авиабилет учун чек талаб қилинг. Арзонни шўрваси татимайди.

Арзон пишлоқ фақат тузоқда бўлади деб бежиз айтишмаган. Шуларни инобатга олган ҳолда, арзон билетларни ўзи бўлмайди. Ҳар нарсани чегараси ва ўлчами бўлганидек, авиакомпания зарар учун ишламайди. Авиабилетларга фақатгина чегирмалар (DISCOUNT) бўлиши мумкин, ёки махсус тарифлар (WEB) ёки турли акциялар (SALE) асосида сотилиши мумкин. Лекин, ишонтириб айтамизки, буларни барчаси авиакомпанияни қониқтирадиган маълум бир даражагача арзонлаштирилган бўлиши мумкин холос. Ва бу арзонлашув-катта қийматни ташкил қилиши мумкин эмас.

Эльер Таштемиров,
Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди юристи.
Суратлар Фонд архивидан

Қаллоблар макридан жабр тортган мухожирлар Фондга ариза ёзмоқдалар





Фирибгарларнинг реклама варақалари кўриниши

Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!

Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:

- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда, шу жумладан:
  - меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
  - ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда.
- иш берувчи маош бермаса
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- моддий ва маънавий қийин аҳволга тушиб қолган бўлсангиз
- Қарз маблағи олишга кўмаклашиш
- муносиб турар-жой топиш
- тиббий ёрдам олиш

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- ўзбек ва тожик муаллимлари иштирокидаги рус тили машғулотлари
- маданий хордиқ ва хайрия тадбирлари
- илмий семинарлар ва анжуманлар



Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: "Пролетарская" метро бекати, Обуховская оборона пр-ти, 116-уй, 26-чи офис (арка орқали кирилади, "Кард Экспресс" ёзувини мўлжал қилинг)

Телефон: **(812) 309 73 06** Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)